Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Газета 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган. ● № 216 (7706). ● 10 НОЯБРЬ, 1981 йил ✦ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУРАШГА

• ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИШ УЧУН ЗАРБДОР БЕШ КУНЛИКЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ. ҲОЗИР БУТУН КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ҲАММА ҲОСИЛНИ ТЕЗДА ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШГА ҚАРАТАЙЛИК. • ҲАР БИР РАЙОН ВА ХЎЖАЛИКДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ГРАФИГИНИНГ ТЎЛА БАЖАРИЛИШИ ТАЪМИНЛАНСИН. • ДАЛА ИШЛАРИНИ КОНВЕЙЕР УСУЛИДА ОЛИБ БОРАЙЛИК. ҲОСИЛИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНГАН ЕРЛАР ПЕШМА—ПЕШ ЎҒИТЛАНИБ, СИФАТЛИ ШУДГОР ҚИЛИБ ҚЎЙИЛСИН.

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхозида ҳосилнинг сўнгги мисқоллари йиғиб-териб олиниши билан бригаликда келгуси йилга ҳам пухта замин яратилаяпти. Хўжаликнинг Нигмат Толипов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари бу ишларни айниқса ушқоқлик билан олиб боришаётир. Суратларда: (чапда) илғор механизатор Карим Керимқулов, (ўнгда) шудгорлаш пайти.

А. Абаян фотолари.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ЮКСАК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

● ПИСКЕНТ. Охунбобоев номли колхоз аъзолари пахта тайёрлаш бўйича социалистик мажбуриятларини бажардилар. Улар 1500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариб, давлат қабул пунктларига 6 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Бу пландагидан 1480 тонна кўпдир.

Хўжаликнинг Туроб Асраев, Умар Ваҳобов, Раҳмон Фойқов, Ниёз Турғунбоевлар бошлиқ бригадаларида пахта ҳосилдорлиги 44—47 центнерни ташкил этди. Илғор механик-ҳайдовчилардан Эдем Зейтуллаев, Номоз Холбоев, Баҳодир Алдановлар «зангори кемаларни» билан 180—200 тоннадан пахта тердилар.

Колхоз аъзолари ҳосилнинг сўнгги мисқолигача нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш билан бир қаторда кузги-қишки ишларни кучайтириб юборганлар.

ЯНА 200 ТОННА

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. «Партия XXII съезди» колхози аъзолари 3225 тонна пахта тайёрлаб, социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар. Улар ҳозиргача ҳар гектар ердан 38,9 центнердан пахта териб олишди. Содиқ Йўлдошев, Жумабой Қучқоровлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 46,5—47,3 центнердан ҳосил олинди.

Республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳиссаларини қўшишга аҳд қилган колхозчилар давлатга яна 200 тонна пахта сотишни режаладилар.

САМАРАЛИ ЁРДАМ

● ЧИНОЗ. Калинин райони меҳнаткашлари чинозликлар хирмонига барака киритяптилар. Улар кунига 85 тонна пахта териб беришмоқда. Калининликлар фақат ноябрь ойи бошидан бери районнинг пахта хирмонига 650 тонна «оқ олтин» билан улуш қўшишди.

Ҳосил теримида 190-қишлоқ-ҳунар техника билим юрти, ГосНИТИ Ўрта Осиё филиали, геология-қидирув экспедицияси коллективлари намуна кўрсатмоқдалар. Улар ҳар куни 10—20 тонна кўсак ва тўкилган пахта териб, хирмонга топширишяпти.

СССР НИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ҲАФТА!

ЗАРБДОР ҲАФТАЛИКЛАР БОШЛАНДИ

БИРИНЧИ ҲАФТАЛИК РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИГА БАҒИШЛАНАДИ

Мамлакатимиз пойтахтидаги қатор илғор саноат корхоналари коллективлари «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор меҳнат ҳафтаси!» шиори остида ташаббус бошлаган эдилар. Бугун ана шу зарбдор ҳафталарнинг дастлабкиси саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасалар бўйлаб одим ташламоқда. Бу ватанпарварлик ташаббусида областимизнинг деярли барча шаҳар ва районларидаги меҳнат коллективлари фаол қатнашишга қарор қилганлар. Зарбдор ҳафталикларнинг биринчиси муваффақиятли бошланди.

— Ҳаммага маълумки, Оҳангарон райони меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 60 зарбдор меҳнат вахтасини бошлаш ҳақидаги москваликлар ташаббусига областимизда биринчилар қатори қўшилдилар, — ташаббусимизни область партия комитети маъқуллади,— деди Оҳангарон ноғ маҳсулотлари комбинати директори А. Муталов.— Бу зиммамизга катта масъулият юклади. Шунинг учун ҳам барча меҳнат коллективларида социалистик мажбуриятларнинг уддасидан чиқиш учун мусобақа авж олиб кетди.

Бу ҳаракатда корхонамиз ишчи-хизматчилари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки икки йили планни муддатидан икки ой илгари бажаришга аҳд қилиб ишламоқдалар. Шунинг учун ҳам дастлабки ҳафтанинг биринчи куни муваффақиятли якунланди. Бир кеча-кундузда пландагига қўшимча 10 тоннадан ортиқ ун, кўплаб бошқа маҳсулот тайёрланди. Айниқса, Йўлдош Комалиев бошлиқ бригада баракали ишлади. Смена топшириғини 115 процент атрофида адо этди.

— Москваликларнинг бу янги ташаббусига бизнинг корхонамиз коллективи ҳам бажонудил қўшилди,— дейди Тошкентдаги «Подъёмник» заводининг қозончи-штамповкачилар бригадаси бошлиғи Виктор Иванович Наумов. — Коллективимиз зарбдор вахтанинг дастлабки кунида дуруст ишлади. Бригадамизнинг меҳнат кўрсаткичи ҳам кўнгилдагидек бўлди. Барча машинасозларимиз эўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдилар. Топшириқни 120 процент қилиб адо этдик. Шубҳасиз, меҳнатимиз кўрсаткичлари бундан буён муттасил ошиб боради. Бригадамиз аъзоларининг биринчи кундаги ғайрат-шижоатга тўла меҳнатлари шундан далолат бериб турибди.

— Янгийўллик саноатчилар ҳам бу ватанпарварлик ташаббусида фаол қатнашмоқдалар,— дейди шаҳардаги пахта тозалаш заводи бригада бошлиғи Абдуғани Абдувалиев.— Бизнинг коллективимиз ҳам бу ҳаракатга қўшилган. Зарбдор ҳафталар бошланган биринчи кундаёқ топшириқни ортиғи билан адо этиб, 49 тонна тола ишлаб чиқардик. Бу топшириқда белгиланганидан бирнеча тонна кўпдир.

МЕТАЛЛУРГЛАР ҲИССАСИ

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг коллективи Октябрнинг 64 йиллиги шарафига зиммага олган оширилган социалистик мажбуриятини бажарди. Мамлакат корхоналарига пландан ташқари юз мингдаб сўмлик қаттиқ қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар жўнатилди. Чирчиқлик металлургларидан 600 дан кўпроқ киши ҳозирнинг ўзидаёқ шахсий йиллик топшириқларини адо этди. Натижада меҳнат унумдорлиги ошишига эришилди, янги қувватлар жадал ўзлаштирилмоқда. Коллектив планга қўшимча равишда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан ўз зиммасига олган йиллик топшириқ муддатидан илгари бажарилди.

Ана шу барча муваффақиятлар учун Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг коллективи учинчи квартал якунларига кўра тармоқ корхоналари ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақа голиби деб топилди.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ ЖАСОРАТИ СОҲИБЛАРИ

ВЦСПС раиси А. И. Шибаев билан суҳбат

Совет кишилари Улуғ Октябрь байрамини меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ...

ЖАДАЛ СЕМИРТИРИШ ҲИСОБИГА

ОҲАНГАРОН район бўрдоқичилик базаси коллективи ғўшт етиштириш ва давлатга топшириш планларини муваффақиятли бажаряпти. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида чорва моллари 209,5 тоннага семиртирилди. Бу соҳадаги план икки баравардан ҳам ошириб бажарилди.

Бу қорамол ва қўйларни жадал семиртириш самарасидир. База бўрдоқибоқарлари қорамолларни бир кечакундузда планда белгиланган 600 грамм ўрнига 800 граммга семиртирмоқдалар. Анфиса Ҳасанова, Ҳадича Анорқулова, Валентина Безленко сингари бўрдоқибоқарлар эса қарамолларидаги қорамолларни бир кеча-кундузда 810—820 граммга семиртиришга эришдилар.

Жадал семиртириш ҳисобига ғўшт етиштириш таннархи ҳам арзонлаштирилмоқда. Жумладан, базада 1 центнер қорамол ғўшти таннархи ўтган йилдагига нисбатан 5 сўм 98 тийинга арзонлаштирилди.

Бўрдоқибоқарлар қиш даврида ҳам чорва молларини жадал семиртириш чораларини кўрмоқдалар. Бунинг учун ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бўрдоқибоқарлар шу йилнинг ўзида қорамолларни 1 центнерга семиртириш учун сарфланадиган ем-хашакни 4,2 озуқа бирлигига камайтиришга муваффақ бўлдилар.

Н. АБДУРАСУЛОВ,
Р. ЙЎЛДОШЕВ.

КАРАМДАН МЎЛ ҲОСИЛ

ШУ КУНЛАРДА Калинин районидаги «Москва» совхози далаларидан карам ортган юк машиналарининг савдо тармоқлари томон йўл олаётганини кўриш мумкин. Деҳқонлар 30 гектар ерда кечки карамдан мўл ҳосил етиштирдилар. Дастлабки ҳисоб-китоблар Хакимжон Хошимов, Турсунбой Олимжойов, Мурод Камоловлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан ўртача 30—32 тоннадан карам ҳосили олинаётганлигини кўрсатмоқда.

Куз неъматларини эл дастурхонига етказиб бераётган сабзавоткорлардан А. Агибоев, К. Хошимова, В. Набиев, З. Абдурахмоновалар ғайрат қилмоқдалар. Узилган карамни шофёрлар А. Хошимов ва З. Бойтуллаевлар ўз вақтида қабул пунктларига етказиб беришмоқда.

Совхоз деҳқонлари давлатга пландаги 750 тонна ўрнига 800 тонна кечки карам топшириши мўлжаллашган. Шуни айтиш керакки, хўжаликда давлатга сабзавот топшириш плани зиёдаси билан ўрилганган. Ҳозиргача сабзавоткорлар эл дастурхонига 6400 тоннадан кўпроқ ноз-неъмат тортиқ қилишди.

И. ҚОСИМОВ.

Терим ва мусобақа

СЎНГГИ ҲУЖУМ

Раиснинг яшил «Москвич»и карта бошига келиб тўхтади. Тоштемир ака пайкал ичларисида, ҳозиргида машиналар ўтган эгатларни кўздан кечириб юрганди. У раисни кўрди-ю, дарров ёнга бўйи томон юрди.

— Кўзнинг тантилигини қаранг, жуда ҳам ишлайдиган ҳаво бўляпти-да,— Тоштемир ака эгатлар оралаб сузиб юрган терим машиналарига ишора қилди.— Ҳар бирининг кунлик унуми ҳозир ҳам 800 килограммдан кам бўлмаяпти. Бугун машиналарнинг сўнгги ҳужуми. Пахтанинг қолган қисмини қўлда оламиз.

Учта машина нарироқда ялтил қанг чиқариб, пахта терарди. Сайдулла Ҳидиров, Музаффар Турғунов ва Ҳайдарали Эрназаров уларни бошқарарди. Илгари ҳам йигитлар шу карталарда учтўрт терим ўтказишган эди. Кеча қарашса қолган кўсакҳар ҳам бодроқдек очилибди. Эрта тонгдан машиналарини шу карта томон буришди. Натижа ёмон эмас. Тушгача ҳар бири салкам 400 килограммдан пахта терди.

Тоштемир акага бу далалар болаликдан қадрдон. Эсини танибдики, пахтазорда. Пахта илмини ундан яхши биладиганлар кам ҳозир. Ўн йилдирки, бригадага бошчилик қилиб келмоқда. Бу йил 160 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 50 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлаган.

Терим олдидан колхоз коммунистларининг бўлиб ўтган умумий йиғилишида сўзга чиқиб, шу мажбуриятни қабул қилди. Уни бирор ишдан ҳеч қачон ортда қолдирмаган, ишчанлиги ва ташаббускорлигини ҳеч ким инкор этмаган, ишлаб чиқаришнинг ҳеч бир соҳасини ҳеч ким ўзи ва ишчилари ишини ҳеч ким ўзи ва ишчилари ишини ҳеч ким ўзи ва ишчилари иш

БУГУН—СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИ

«...Совет милицияси органларининг масъулияти жуда каттадир. Бу органларда ишловчи ходимлар профессионал билимларга эга бўлишлари ва айни замонда мард, ҳалол ва адолатли кишилар бўлишлари керак. Шундай кишиларгина ўз зиммаларига юкланган жиддий вазифаларни муносиб даражада бажаришлари мумкин».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАРГА СОДИҚМИЗ

Ж. ЖАМОЛОВ,
область ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковники.

Областимиз ички ишлар органларининг коллективлари партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни ўз фаолиятларининг жанговар иш программаси деб қабул қилганлар. Улар жамоат тартибини мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, қонунбузарларга қарши курашни кучайтириш, давлат ва халқ мулкини кўз қорачиғидек сақлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, тарбиянинг барча таъсирчан воситаларидан унумли фойдаланишда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Биз бугунги байрам кунида областимиз ички ишлар органларининг босиб ўтган жанговар йўлига чуқурроқ назар ташласак, бунга ишонч ҳосил қиламиз. Ана шу ютуқларни кўлга киритишда партия, совет, касаба союз, комсомол ҳамда жамоат ташкилотларининг амалий ёрдамларини бугун алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Биз кундалик фаолиятимизда область партия ташкилотининг раҳбарлигини, ғамхўрлиги ва амалий кўмагини ҳис қилиб турибмиз. Совет ташкилотлари ички ишлар органлари фаолиятини тинмай такомиллаштиришга қаратилган катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ташкилий-сиёсий ва тарбиявий ишларимиз савияси тобора ўсиб бормоқда.

Шуни алоҳида айтиш зарурки, бошқармада кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида талаб қўйилмоқда. Бу — табиий албатта. Ҳозирги шароитда ҳамма соҳада ишнинг муваффақиятини ўз соҳасининг мутахассислари бўлган малакали кадрлар ҳал қилмоқда. Милиция органларида ҳам худди шундай. Кадрларимизнинг асосий қисми олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Бошқармамизда коммунистлар ва комсомоллар сафи кундан-кунга ўсиб, мустаҳкамланиб бораётир. Шахсий состав ўртасида тарбиявий-ташкилий, сиёсий-оммавий ишларнинг даражасини, уларнинг малакаларини оширишга эътиборни тобора кучайтирямиз. Ходимларнинг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш, уларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, ўз касбларига, бурчларига чинакам садоқат ва эътиқодни чуқур сингдириб бориш, совет милициясининг шонли анъаналари руҳида тарбиялашни асосий мақсад қилиб олганмиз. Бу йўлдаги интилишларимизнинг самараси тобора кўпаймоқда.

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланиб борши ички ишлар органлари ходимлари олдига ҳам янги-янги катта ва масъулятли вазифалари қўймоқда. Ана шу вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқиш, аҳоли ўртасида профилактика ишларини яхшилаш, содир бўлаётган жиноий ишларни ўз вақтида очиш ва бундай ҳаракатларнинг олдини олиш билиш учун ишга ижодий ёндошиш, давр руҳи билан ҳамнафас бўлиш, фантехника ютуқларидан моҳирлик билан фойдалана билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Олиб бораётган ташкилий ишларимизда бу масала алоҳида ўрнини эгалламоқда.

Областимиз ички ишлар органлари ходимлари билан ёнма-ён 30 минг нафардан зиёд кўнгилли халқ дружиначиси жамоат тартибини сақлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, безорилик ва ичкиликбозликка қарши курашишда актив иштирок этмоқда. Улар милиция ходимларининг ишончли таянчларидир.

Маълумки, аҳоли ўртасида профилактика ишларини олиб боришда участка инспекторлари зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган. Улар кенг жамоатчиликка таянган ҳолда кишиларнинг тинч ва осуда яшашларини таъминлаш йўлида астойдил хизмат қилмоқдалар. Узларига бириктилган участкаларда яшовчилар билан доимий равишда тарбиявий иш олиб бормоқдалар. Жиноятнинг олдини олишда таъсирчан формалардан яхши фойдаланяптилар. Ўрта Чирчиқ районидан П. Юнусов, Ғалаба районидан И. Исмоилов, Бўстонлиқ районидан Ш. Мадгазиев, Янгийўл шаҳридан К. Тошкенбоев, Коммунистик районидан Т. Бойхўжаев, С. Носиров, Чирчиқ шаҳридан Б. Климов каби участка инспекторлари олиб бораётган серқирра фаолият диққатга сазовордир. Областимиздаги турли колхоз ва совхозлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, қурилиш ташкилотларида ташкил этилган профилактика группалари аъзолари ҳам милиция органларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор бераётганлиги ҳаммага маълум. Улларнинг ҳаммасининг, ҳам маънавий барқамоллигига эришмоқ умумдавлат аҳамиятига эга бўлган жиддий масалалардан биридир Ёшларнинг билим олишлари, касб эгаллашлари, меҳнат қилишлари, ўзларининг ижодий қабилиятларини кенг намойиш қилишлари, бахтиёр ҳаёт кечиришлари учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Лекин афсуски, ёшлар ўртасида қонун бузишлар, жиноий тарбини менсимаслик, майда безорилик, ичкиликбозлик каби ва бошқа хил жиноятлар тез-тез учраб туради. Бу ҳаммамиз, айниқса, милиция ходимларини ташвишга солаётганлиги ўз-ўзидан тушунарли. Чунки болалар тақдирига бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Биз ўзимизнинг кундалик ишимизда буни алоҳида ҳисобга оламиз. Айниқса, балоғатга етмаган ёшлар билан жиддий шуғулланишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам биз ёшлар орасида олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий ишларни комплекс тарзда амалга оширяпмиз.

Ҳамма соҳада бўлганидек, милиция органларида ҳам илғор тажрибаларни оммалаштириш, мураббийлик ҳаракатини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда. Ички ишлар органларида бой ҳаётий тажрибга орттирган юқори малакали ишчан кадрлар, муносиб мураббийлар оз эмас. Ана шуни ҳисобга олиб биз мураббийлик ҳаракатини кенгайтиришга киришдик. Бу ҳаракат катта самара беришига қатъий ишонамиз. Узларининг бутун ҳаётларини милиция ҳаёти билан боғлаган ва ҳозирда ҳам жанговар хизматни ўтаётган тажрибали ходимлар Н. К. Янбулатов, К. Т. Темиров, Э. Ҳ. Хошимов, А. Ҳожимуротов, М. С. Иванов, Н. А. Пасюра, Р. Тўхтаев, П. К. Таранюк каби ички ишлар органларининг ветераклари ёш ходимларга машаққатли, шу билан бирга шарафли касбни қунт билан ўргатмоқдалар.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги алп қадамлар билан олға бормоқда. Ички ишлар органларининг жанговар вазифаларидан бири тараққиётга ўз йўллари билан муносиб ҳисса қўшиб боришдан иборатдир. Милиция ходимлари социалистик мулкни талон-тарож қилишга, кўзбўямачилик, чайқовчиликка қарши кескин курашмоқдалар. Бу борада кенг жамоатчиликка таяниб иш олиб борилаяпти.

Биз бундан кейин ҳам шонли совет милициясининг жанговар анъаналарига содиқ қоламиз. Юрт посбонлари деган шарафли номни оқлашга интиламиз.

КЎНГИЛЛИЛАР КАТТА КУЧ

Район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Кенжабой Салметов билан суҳбатимиз эндигина бошланган ҳам эди-ки, телефон жиринглаб қолди.

— Кечирасиз, райкомдан экан, бюрога чақиришяпти, мен вакил бўлган хўжалик ҳисоби эшитилар экан, — деди у трубкани жойига қўяр экан. Агар вақтингиз бўлса «Партия XXI съезди» колхозидаги таянч пункти иши билан танишиб келсангиз. Унгача мен ҳам қайтардим. Сўнг суҳбатни давом эттирсак.

Биз рози бўлдик. Қишлоққа оқшом чўккан, лекин кўчада ҳаёт қайнайди. Катта йўлда «оқ олтин»ни ортган машиналар тинимсиз ўтиб турипти. Пештоқига «таянч пункти» деб ёзилган бинода бизни навбатчи қарши олди. Мақсадимизни айтгач, у бизни ўнг томондаги чекка хонага бошлади.

— Бугун Турсунали акам навбатчилик қиляптилар, у киши сизга кўнгилли дружиначиларнинг ишлари ҳақида гапириб берадилар.

— Биласизми,ёшим олтмишга бориб қолган бўлса ҳам жим туролмайман. Гоҳо-гоҳо бўлса ҳам йўлдан адашган ўзгалар ҳақига хиёнат қиладиган кимсаларни кўрсам газабим қайнаб кетади. Шундай замонда ана шунақа кимсалар борлигидан ҳафа бўлиб кетасан, киши. Пенсиядаман, ёшларга бош бўлиб, эл-юрт осойишталигига ҳисса қўшяпман. Сочлари оқарган, лекин қадди-қомати тетик, хушчақчақ бу отахонни Шўралисой қишлоғида танимаган одам йўқ. Ёшларга маслаҳатгўй, тенгдошларига меҳрибон Турсунали Алимовни «кўк шинелли» осойишталик посбонлари ҳам ўзларининг энг яқин қадрдони ва кўмакчиси сифатида билишади.

— Эл осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш — текинхўрлик, ичкиликбозлик, безорилик, олиб сотарлик иллатларини йўқотишда бизга кенг жамоатчилик катта ёрдам беряпти, — деди ўрин ички ишлар бўлими бошлиғи, — узилиб қолган суҳбатни давом эттирар экан, — Абдулла Ортиқов қишлоқ совети территориясидаги участка вакили Мурод Нурматов, Ниёзбоши қишлоғида эл осойишталигига посбонлик қилишда бошчилик қилаётган Саид Назирхонов, Гулбаҳор посёлкаси участка вакили Егор Исоқов ва бошқа милиция ходимларимиз кенг жамоат ёрдамига таяниб иш тутаётганлиги туфайли ҳам кўнгилсиз воқеалар йилдан-йилга камайиб боряпти.

Районда жами саккизта таянч пункти иш олиб боряпти. Унда ўз сафига 700 дан зиёд халқ кўнгилли дружиначиларини сирлаштирган 32 та кўнгилли халқ дружина группалари фаоллик кўрсатмоқда. Ленин номли колхоз комсомол ташкилотининг секретари Ўткир Одилов, «Интернационал» колхозидан Сайфулла Эгамов, Ўрта Осиё машина синаш станцияси дружиначилар командири П. Бўтабеков, Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзоси Усмон Аҳмедов, «Коммунизм» колхози дружиначилар командири К. Мараҳимов ва бошқалар жамоат тартибини сақлашда актив иштирок этишмоқда.

...Усмон Юсупов номли аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-бўлимида қотиллик содир бўлганлиги хабар қилинди. Дарҳол оператив группа тузилди. Район ички ишлар бўлими ва прокуратура ходимларидан тузилган опергруппа бу жиноятни жуда қисқа муддатда очди. Фердус Шарифуллиннинг қотиллари — Саратовдан киракашлик қилгани келган шофёрлар В. Сергеев билан В. Бирюковлар қўлга олинди. Бу жиноятни очишда ҳам кўнгиллиларнинг хизмати катта бўлди.

Жиноятнинг олдини олишда профилактика ишлари ҳам катта ёрдам бермоқда. Милиция ходимлари жойларда бўлишиб, суҳбатлар ўтказиб туришади, айниқса балоғатга етмаган ёшлар ўртасида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари яхши самара беряпти. Катта инспектор Ингитали Рўзалиев, жиноят қидирув бўлинмасининг ёшлар билан ишлаш инспектори Шокир Омонов лар катта тажрибага эга. Улар корхона раҳбарлари, мактаб мураббийлари, колхоз активлари билан ҳамкорликда иш олиб боришаётганлиги туфайли ҳам жиноятчилик тобора камайиб боряпти.

Эл кўмагига таяниб, осойишталикни ҳушёр ва сезгирлик билан қўриқлаётган район ички ишлар бўлимининг ходимларига олижаноб ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ш. УМУРЗОҚОВ.
Янгийўл райони.

Суратларда: (юқоридан) район ички ишлар бўлими ходимлари (ўртада бўлим бошлиғи К. Салметов) кўнгиллилар билан бўлажак рейд олдидан. Пастда йўл назорати хизмати инспекторлари Х. Ортиқалиев, У. Бобоназаров, катта инспектор М. Қодиров, жамоатчи назоратчи А. Аюпов ўртоқлар иш устида.

А. Абалян фотолари.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 12 июнь Фармони билан жамоат тартибини сақлашдаги ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун (марҳум) милиция катта лейтенанти Эргашбой Мерганович Аҳмедов ва милиция кичик лейтенанти Каримжон Санаевич Сабриев СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотланган эдилар. Қуйида ана шу ўртоқларнинг жасорати ҳақида ҳикоя қиламиз.

I, СИРЛИ САФАРЛАР

ЖИНОЯТ!.. Яна хунук хабар. Шаҳарда турли маҳомдаги миш-мишлар кўпайиб кетди. Биров ундоқ дейди, биров бундоқ. Таажжубланарли ери шу эрда эдики, ўғрилик куппа-кундузи, айни бир пайтда, бир хил усулда рўй берарди. Жабрланганлар рўйхати кун сайин ортиб борарди: Лучникова, Якубовский, Чезганова, Басирова, Мальцев, Пантеева... Калаванинг учини топиш, зудлик билан чора кўрмоқ шарт эди. Ҳа, шарт эди... Аммо...

Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ҳузур-ҳаловати йўқолди. Ичига чироқ ёқса ёришмайди. Майор кунда-кун аро мажлис чақирарди. Рўйхатда бўлган айрим шубҳали шахслар текшириб кўрилди. «Миш-миш»ларнинг биронтаси буларга тўғри келмасди.

— Қани, яна бир бош қотириб кўрайликчи. — деди бўлим бошлиғи навбатдаги оператив кенгашда. — Хўш, бизнинг ихтиёримизда фактлар борми? Бор!.. Юз фоиз аниқ бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, бор. Эшитилган, одамлар айтаётган гапларни қиёслаб кўрганимизда деярли бир хил манзара намоён бўлмоқда.

— Лекин...

— Лекин-пекинни қўяверайлик. Аниқроғи шуки, ўғрилар бир неча киши. Бу — шубҳасиз. Содир бўлган барча жиноятларни ёлгиз одамнинг эплаши қийин. Бу — биринчидан. Иккинчидан, бир-бири билан мутлақо нотаниш катта ёшдаги кишилар ва болаларнинг айтганлари деярли бир мазмунда: ўғрилар аллақандай нарсаларни одеял ёхуд чойшабга ўраб орқалаб кетганлар. Йўқолган бисотлар: гиламлар, дуҳобалар, кийимлар, газмоллар, биллур ҳамда чинни идишлар, тилла тақинчоқ ва асбоб-анжомлар, ниҳоят пулларни фақат шу йўсинда кўтариш мумкин. Ҳамшаҳарларимиз пайқаган одамларнинг биринчиси — ўрта бўй, бақувват, малласоч, яп-алоқроқ бурунли, қарашлари совуқ, йигирма олти—йигирма саккиз ёшлар чамасидаги йигит. Иккинчиси — яхши кийинган, олифта, чиройли, қадди-қомати келишган ўттиз ёшлардаги аёл. Учинчиси — бўғдойранг юзли, баланд бўйли, серсавлат, катта-катта қора кўзлари ўйнаб турадиган ўттиз ёшларга яқинлашган йигит.., Тўртинчиси, бешинчиси, олтинчиси?.. Улар борми, йўқми? Ҳозирча номаълум.

— Мана шу фактларга асосланиб иш бошласак бўладими, ўртоқ майор?..

— Менимча бўлади. Биз тўрт кишидан иборат оператив группа тузишга қарор қилдик. Группага жиноий қидирув бўлими бошлиғи, катта лейтенант Муроджон Равшанов раҳбарлик қилади. Бўлим инспекторлари Исроил Раҳматуллаев, Ҳолмат Нурматов ва Карим Сабриевлар у билан бирга ишлашади. Операцияни «Қопқон» деб атаймиз. Муттаҳамларнинг қопқонга тушишига аминман!.. Шундай эмасми?!

— Маъқул, ўртоқ майор!.. Қопқонга, албатта, тушурамиз.

МАЙ БАЙРАМИДАН кейин Карим Сабриев қизиқ гап топиб келди. Бахтиёр Наврўзов Олмалиқда эмиш... Уни кўришибди.

Наврўзов!.. Қандай қилиб? У қамоқда эди-ку?!

Группа бошлиғи дарҳол унинг карточкасини кўтарди. Тўғри. 1977 йилда қотиллик қилган, қамалган. Ўтган йили шартли равишда озодликка чиқарилган. Сурхондарё областида ишлаши керак бўлган. Аммо Олмалиққа келибди-да.

Наврўзовни зудлик билан ушлаш керак. Хойнаҳой у кўл нарсани билади. Одамлар айтган бугдойранг, баланд бўйли, қора кўзли йигит шу бўлса ажаб эмас... 10 майда Наврўзов ҳибсга олинди.

Наврўзов оператив ходимлар умидини пучга чиқарди, қутилган нарсаларни айтмади, сўроқ пайтида анча-мунча нарсаларни рад этди. Гувоҳлар, далиллардан қочиб қутула олмагач, ниҳоят бир неча ўғриликнигина тан олди. «Рост, уч хонадонга тушганман. Март ойида. Мен шерик билан «ов»га чиқмайман. Ҳамма ишни бир ўзим қилдим»,— деди у. Такрорий юзлаштирувларда ҳам Бахтиёр ўзининг бу гапларида туриб олди.

Суратда: К. Сабриев.

Кунлар кетидан кунлар ўтмоқда эди. Группа аъзолари ҳар хил йўллар билан жиноятни дарҳол фош қилишга, ўғриларни тезроқ қўлга туширишга ҳаракат қиладилар. Югур-югур кўп эди. Натижа эса кўнгилдагидек эмасди.

Шу орада йўловчилар шаҳар микрорайони кўчаларидан бирида Юрий Валентинович Федоров номига ёзилган бир ҳужжатни топиб келтиришди. Федоров!.. Бу ном Олмалиқда «жуда ҳам машҳур» эди. Одамлар безориликда, ўғриликда, пилорликда ҳамманинг жонига теккан, илгари уч марта қамалиб чиққан Юрани беш қўлдек билишарди. Тасодифни қаранг-ки, ҳужжат худди ўша Федоровга тааллуқли эди.

Жиноятчилар орасида «Қашқир» деган лақаб ортирган Юра ҳозир Самарқанд областида жазо муддатини шартли равишда ўтаётган бўлиши керак-му...

— Нахотки у ҳам Олмалиққа келган бўлса? — деди М. Равшанов ўйчан ўтирган бошлиққа қараб.

— Эҳтимолдан ҳоли эмас, ҳозироқ текширинглер!..

ГРУППА ходимлари ташриф буюрган Юранинг бувиси — Антонина Адамовна чамаси бир неча кун бурун набирасининг қутулганлигини, Люда Татаринова деган кўҳликкина маъшуқаси билан меҳмон бўлиб келганлигини айтиб берди.

— Антонина Адамовна, билмайсизми, сизнингча улар қаерда бўлиши мумкин?

— Нега билмас эканман, биламан, улар Фарғонада, мана бу телеграммани ўқинг...

Телеграмма!., «Биз эсонмон етиб келдик. Батафсил гапларни хат орқали ёзамиз. Биздан, ойимлардан ва дўстимиз Валя Назароваданалом... Люда».

Нурматов билан Сабриев идорага қайтишди. Дарҳол аниқлаш керак. Татаринова ким?!

Людмила Васильевна Татаринова, иш жойининг тайини йўқ, ўғрилик қилиб, қамалиб чиққан аёл экан.

...Майор кабинети. Яна ҳамма йиғилган. Бир нуқтага тикилиб, ўйчан ўтирган оператив ходимлар ҳаёлида турли хил фикрлар гужғон ўйнайди. Наврўзов, Федоров ҳамда Татариновларнинг «сирли сафар»лари бир мунча ойдинлашмоқда эди. Сукунатни бошлиқ бузди:

— Биз уларнинг нафас ростлашлари учун имконият бермаслигимиз керак. Халқа тобора тораймоқда. Ҳозироқ Карим Сабриев билан Холмат Нурматовлар Фарғонага жўнашсин. Иложи бўлса самолёт билан, бўлмаса, яхшиси енгил автомашина билан... Бу — буйруқ. Ҳамма гаплардан телефон орқали бизни хабардор қилиб турингилар. Равшанов сиз билан доимий алоқада бўлади. Муваффақият, ўртоқлар!.. «Қашқир»ни қопқонга тушириш пайти яқин.

...Роппа-роса тунги соат учда Карим Сабриев билан Холмат Нурматовлар машинада Фарғона шаҳар милиция бўлими идорасига етиб келишди. Вақт зиқ эди. Тезда Юра Федоровнинг онаси ёҳуд Валентина Назарованинг адресини аниқлаш, шу кечанинг ўзидаёқ қочқинларни қўлга туширмоқ лозим эди. Шаҳар ички ишлар бўлимида А. П. Федорованинг адреси қайд қилинмаган экан. Лекин В. Назарованинг турар-жойини аниқлаб беришди.

Эшик тақиллади. Бўсағада анча ёшга бориб қолган, мулойимгина аёл пайдо бўлди. Милиция ходимларини кўриб таажжубланди. Зўр-базўр «Тинчликми?», дея олди у.

— Бизга Валя Назарова керак эди.

— У ҳозиргина ишга кетди. Киргизия районида фаррош бўлиб ишлайди.

— Кечирасиз, сиз ким бўласиз?

— Мен муаллима Лидия Дмитриевна Бивнецман. Техникум ўқитувчисиман. Валя Назаровани менга бириктиб қўйишган. Кўз-қулоқ бўлиб тураман. Қамоқдан қутулгандан бери менинг қарамоғимда. Яхши қиз. Ундан дуруст одам чиқиши мумкин.

Муаллима В. Назаровани қандай қилиб топиш мумкинлигини тушунтириб берди. «Жигули»з Киргизия томон учиб кетди. Тўрт-беш километрдан сўнг ўнлаб чироқлар кўзга ташлана бошлади.

Валя эндигина ишга киришган эди. Бўсағада формали икки кишини кўриб, ўзини йўқотиб қўйди. У дарҳол кеннги кунларини эслади. Қоидага хилоф ҳеч нарса қилмаган эди-ку...

— Валя Назарова сизмисиз?!

— Ҳа...

— Чўчиманг, сизнинг ёрдамингиз керак. Люда Татариновани танийсизми?

— Ҳа, у бир неча кун бурун бизникига Юра деган йигит билан келди. Уларни кўрдим-у, газабим қайнаб кетди, ишонасизми, мен ўз ўтмишимдан, Людага ўхшаганлардан нафратланаман... Ингладим, тезда кетинглар, деб ёлвордим. Улар мени овутишди. Кейин яримтани қоқлашиб, жўнаб қолишди.

—Улар ҳозир қаерда бўлишлари мумкин?

— Опасининг ўйида бўлса керак. Ўша ерга борамиз, дегандек қилишганди.

— Унинг квартирасини биласизми?

— Ҳозир тушунтириб бераман, Анна Павловнанинг адресини аниқ билмайман, лекин тушунтириб бераман...

(Давоми бор)

ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

Кенг, текис кўчаларимизга бир назар ташланг-а. Эртакеч транспорт оқими тинмайди. Автотранспорт халқ хўжалигида умуман, ҳаётимизда энг яқин ёрдамчимизга айланган. Транспорт ҳаракатини эса давлат автоинспекциясисиз тасаввур қилиш қийин.

Область Давлат автоинспекцияси ходимлари ўзларига топширилган вазифани шараф билан адо этиш учун курашмоқдалар. Шу йилнинг ўзида 180 дан ортиқ рейд уюштирилди. Айниқса, кўрикларни ўз муддатида ва юксак ташкилий даражада ўтказишга катта аҳамият берилмоқда. Шу кунларда эса, яъни 15 октябрдан 15 ноябргача кузги кўрик давом этмоқда. Ҳаммаси бўлиб ўн биринчи беш йиллиқнинг дастлабки йили ўтган даври ичида ўнга яқин турли рейдлар ўтказилди. «Диққат, светофор!», «Диққат, болалар!» кўриклари, «Тезлик», «Пиёдалар», «Тракторлар», «Темирйўл» каби ўнбешга яқин операциялар уюштирилди.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш область автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига олиб келмоқда. 1981 йилнинг ўн ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аварияларнинг сони камайганлиги бунга далилдир.

Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари, Тошкент, Бўстонлиқ, Янгийўл районлари Давлат автомобиль инспекцияларининг ходимлари йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда намунали ишлар қилмоқдалар.

Давлат автомобиль инспекциясининг жуда кўплаб жонкуяр ходимлари топшириқларни аъло даражада бажариб, область территориясида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бўлинма командирлари катта лейтенант А. Абдураҳмонов, старшина Э. Яхшиев, йўл назорати 2-бўлинма командири ўринбосари М. Юсметов, кичик сержант Д. Ражабовлар ана шундай ходимлардандир.

Область давлат инспекцияси тадбирларни амалга оширишда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда кенг активларга таянмоқда. Область ГАИси ҳузурида жамоат автоинспекторлар бўлинмаси тузилган. Штатсиз автоинспекторлар белгиланган муддатларда ГАИ ходимлари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказмоқдалар. Жамоатчилар аварияни олдини олишда қатор профилактик тадбирларни амалга оширишяпти. Бу ҳақда яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Область Давлат автоинспекцияси коллективи бундан кейин ҳам жамоатчиликка таянган ҳолда тузилган тадбирларни юксак ташкилий даражада ўтказиш учун бутун имкониятларини сафарбар этаверади.

А. АЗИМОВ,
область Давлат автомобиль инспекцияси агитация ва пропаганда бўлими бошлиғи, милиция катта лейтенанти.

МОСКВА ОСТОНАЛАРИДА НЕМИС-ФАШИСТ БОСҚИНЧИЛАРИ ТОР-МОР ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

УЧРАШУВ

Москва учун қизғин жанглар бораётган кунларнинг бирида уни штабга чақиришди. Полк командири стол устидаги картадан тегишли нуқтани кўрсатиб, деди:

—Душман аэродроми мана шу районда жойлашган. Сизлар «тил» тутиб келтиришингиз лозим. Бу ишда сизга Иванов ҳамроҳ бўлади.

—Ест, буйруқни бажаришга рухсат этинг, — деди Гофур Раҳимов қаддини гоз тутиб...

—Ростини айтсам, шу топда менга яхши ҳамроҳ беришганидан қувончимнинг чеки йўқ эди,— дея эслайди Ғ. Раҳимов.—Ўшанда 30 ёшлар чамасидаги барваста, келишган, камғал бу йигит ўзининг эҳтиёткорлиги, уддабуроклиги ва тезкорлиги билан менга жуда ёқиб қолганди.

Белгиланган ўрмонга етгач, қулайроқ жой танлаб, қоронги тушишини кута бошладик. Чунки купша-кундузи ишга киришиш биз учун ўта хавфли эди. Ахир душман ҳам аноғи эмас. Ҳар бир қадамни ўта эҳтиёткорлик билан қузатиб турибди. Иккимиз атрофдан кўз-қулоқ бўлиб, ўт-ўланлар орасида узоқ ётдик.

Евгений Ивановнинг тадбиркорлиги туфайли ўша тунда биз топшириқни аъло даражада бажардик. Тутиб келган асирларимиз муҳим маълумотлар беришди. Тонготарда бўлган жангда қўшинларимиз ғалаба қозонишди. Шунинг учун ҳам полк командири иккимизга раҳматнома эълон қилди.

Бироқ, шундан кейин Евгенийни учратмадим. Кўп ўтмай уни дивизия командирига адъютант қилиб тайинланганлигини эшитдим. Олдимизда эса ҳали қизғин жанглар турарди. Сталинград, Курск шаҳарлари учун жон олиб, жон беришга тўғри келарди.

Уруш йўллари мени ғолиблар қатори Берлингача олиб борди. Олоғли жангларда қатнашиб, кўрсатган хизматларим учун икки марта Қизил Юлдуз ордени, бошқа нишонлар билан тақдирландим. Энг фахрли бўлган иккинчи даражали Ватан уруши орденини эса 1945 йилда олдим. Аммо мен ҳар қачон, қайда бўлмай, Евгенийни кўп эслардим. Негадир у кўз ўнгимда намоён бўлаверарди. Афсуски, қанча ўйламай уруш йиллари уни қайта кўриш насиб этмади.

Тоғ-тоғ билан учрашмайди, инсон инсон билан учрашади, деганлари ҳақ гап экан. Тасодифни қарангки, орадан йиллар ўтгач уни Тошкентда учратиб қолсам бўладими? Ишдан чиқиб уйга кетаётсам кимдир ёнимга келди. Бироз разм солиб турди-да, оҳистагина деди:

—Салом ўртоқ Раҳимов, мени танияпсизми?

Диққат билан унга термулдим-у, бир лаҳза кўзларимга ишонмай қолдим. Ахир меннинг рўпарамда ҳарбий кийимда Евгений турарди.

— Наҳотки, бу сен бўлсанг Евгений!

—Ҳа, тоғдинг,—деди у мийнгида кулиб,—унутмабсан, баракалла.

Йўловчиларни ҳайрон қолдириб бир-биримизни маҳкам бағримизга босдик. Шу топда иккимиз ҳам кўз ёшларимизни тия олмасдик. У энди полковник, кўксида Олтин юлдуз порлаб турибди.

... Улуғ Ватан уруши ветеранлари—Совет Иттифоқи қаҳрамони Евгений Иванов ва тошкентлик СССР да хизмат кўрсатган алоқа ходими Гофур Раҳимовларнинг узоқ айриликдан кейинги суҳбатлари жуда мароқли бўлди. Улар дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, оилавий борди-келди қилишга қатъий келишиб олдилар. Ҳозир оловли йиллар синовидан ўтган бу дўстлик кўпчиликка намуна бўлаётир.

Т. БОРОВИКОВА.

Октябрь байрами кунларида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг манзарали боғдорчилик совхози коллективи шаҳарликларга кўплаб қарнайгул ва чиннигул, картошкагул ва кўконгул етказиб бердилар. Улар йил охиригача мижозларига яна кўплаб гул етказиб бериш учун курашишмоқда. Суратда: совхоз ишчилари (чапдан) Дилором Назарова, Малика Эргашева, Моҳира Роҳатова, Шоҳида Рихсневалар чиннигулларни жўнатишга тайёрлашмоқда.

А. Ваншгейн фотоси. (ЎзТАГ).

АҲОЛИ УЧУН

Оржоникидзе район тайёрлов конторасига қарашли консерва цехи меҳнаткашлари байрам дастурхонининг тўкин бўлишига ўз ҳиссасини қўшди. Ноябрь ойининг дастлабки кунлариданоқ бу ерда сабзавот консервалари, мева шарбатлари, қиёмлар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди. Йил бошидан бери истеъмолчиларга жўнатилган консервалар 400 минг шартли банкага етди.

Карима Исломова, Шариф Шодмонов, Ҳакима Исломова сингари мусобақа пешқадамлари бугунги кунда ҳам жадал меҳнат қилмоқдалар. Бу эса коллективнинг бошқа аъзоларини ҳам юксак унум билан ишлашга илҳомлантирмоқда.

И. РУСТАМОВ.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи-муҳбирлар университетига тингловчилар қабул қилинялти. Саноат корхоналарида, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида, колхоз-совхозларда ва бошқа муассасаларда ишлайдиган, олий ҳамда ўрта ўқув юртларида билим олаётган, муҳбирликка иштиёқманд кишилар университетга киришлари мумкин.

Ўқиш — икки йиллик, машғулотлар икки ҳафтада бир марта ўтказилади.

Топшириладиган ҳужжатлар: иш ёки ўқиш жойидан характеристика-тавсиянома, таржимаи ҳол, 3х4 ҳажмли иккита фотосурат.

Ҳужжатлар редакцияда (14-қават, 7 хона) қабул қилинади. Телефонлар: шаҳардан — 32-57-49; ички — 57-49.

Спорт

ФИНИШ БУСАҒАСИДАГИ ГОЛЛАР

Олий лига командалари яна биттадан ўйин ўтказиб, чемпионатга якун ясашади. Олтин ва кумуш медаль эгалари маълум. Киев динамочилари ўтган куни майдонга чемпион сифатида тушишди. «Спартак» эса кумуш медаль эгаси бўлди. Бронзага даъвогарлик қилаётган грузин футболчилари «Таврия» командасини қабул қилиб 5:0 ҳисобида жуда муҳим ғалабага эришишди.

«Пахтакор» ўз майдонида Донецкнинг «Шахтёр» клуби билан учрашиб 3:1 ҳисобида устун келди. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмаган бўлсада, иккинчи бўлим голларга сероб бўлди. Аввалига М. Билолов ҳисобни очди. Сўнг С. Кравченко вазиятни тенглаштирди. А. Якубик билан Н. Амриев иккита тўп киритиб командасининг ғалабасини таъминладилар. Тошкентлик футболчилар чемпионатнинг сўнгги учрашувини эртага ўз майдонларида «Днепр» билан ўтказишади.

Ўтган куни бўлиб ўтган бошқа ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Зенит» — «Торпедо» — 0:1, «Қайрат» — «Днепр» — 1:1, «Арарат» — «Кубань» — 4:2, «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев) — 2:1, «Спартак» — «Черноморец» —2:2, «Динамо» (Минск)—ЦСКА — 0:1.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Иваново шаҳрида машҳур боксчи Ф. Климов хотира — соврини учун ўтказилган турнирда Ўзбекистон, Тожикистон, Белоруссия, Россия Федерацияси ва Ленинграднинг юздан ортиқ боксчиси қатнашди. Вазн тартибида ғолиб келганлар орасида тошкентлик боксчилар ҳам бор. К. Гатауллин ва Р. Тришовлар барча олишувларда ғалабага эришиб, биринчи ўринни олишди.

МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Ўсмирлар ва қизлар ўртасида камондан отиш мусобақаси «Пахтакор» стадионида бир неча кун давом этди. Турли кўнгилли спорт жамиятларининг элликдан ортиқ вакили қатнашди. Қизлар ўртасида Тошкентнинг «Спартак» жамияти аъзоси Елена Орлова 932 очко билан чемпион бўлди. Ўсмирлар ўртасида эса «Пахтакор» вакили Сергей Раҳимов 1004 очко билан ғолиб келди.

Команда ҳисобида ўринлар қуйидагича тақсимланди: «Пахтакор» (5035 очко), «Спартак» (4030 очко), «Меҳнат резервлари» (4027 очко).

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИНИНГ ХУШМАНЗАРА СОҲИЛИГА ЖОЙЛАШГАН «БИТОВИК» САНАТОРИЙ-ПРОФИЛАКТОРИЙСИ БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛА БОШЛАДИ.

Бу ерда даволанувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари ва соғлиқларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Жумладан, физиотерапия кабинетлари, шифобахш ваннолар, парафин, массаж ва спорт заллари уларнинг хизматида бўлади.

Бу санаторий-профилакторийда юрак касалликлари, қон босими, асаб касалликлари, бронхит, астма, ошқозон-ичак касалликлари, ревматизм (активлашмаган босқичи) ҳамда жигар касалликлари замонавий дори-дармонлар билан даволанади.

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ 24 ва 12 КУН. Даволанишни истаган кишилар йўлланмани ўз ҳисобларидан ёки касаба союз ташкилотлари ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан сотиб олишлари мумкин.

ПУТЕВКА НАРҲИ 24 КУНГА — 110 СЎМ, 12 КУНГА — 55 СЎМ. Шифохона адреси: Ўрта Чирчиқ райони, «ТАШМОРЕ» посёлкаси.

Путёвка учун юқоридаги адресга ёки Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг молия бўлимига учрашиш мумкин.

Телевидение

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИ ЖАҲОН ЁШЛАРИ КУНИ

МТ «ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.30 — Телевизион музикали фильм. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — И. Шамо. В. Маяковскийнинг «Ленин» шеърига ёзилган кантата. 16.50 — «Уфқ». 17.50 — Концерт. 18.25 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.55 — Бугун — Совет милициясининг куни. 20.10— Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.30 —Совет милициясига бағишланган концерт. 24.00 — Дунё воқеалари.

МТ IV

9.00 — Время. 9.45 — Илмий оммабоп фильм. 10.05 ва 12.05, 17.00 — Француз тили. 10.35 ва 11.35 — Химия. 10-синф. 11.05 — Ўрта аср санъати. 12.40 ва 13.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 13.10 —ва 17.30 — Шахмат мактаби. 14.10 —И. Ильф ва Е. Петров ҳаёти ва ижоди саҳифалари.

ЎҚИТУВЧИ ЭКРАНИ

15.05 — Физика. 15.35 —Тарих. 16.05 — А. М. Горький. «Тубанликда». 16.50 — «Вақт» рельефлари. Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Ёшлар овози. 21.15 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — «Ҳайрли соатда». Бадиий фильм. 23.40 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 1 лига. «Металлист» (Харьков) — АСК «Хабаровск». 1-тайм.

ЎзТВ-I

18.05 — Мультфильм. 18.25— «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз». 18.55—Ҳужжатли фильм. 19.15 — Бугун совет милициясининг куни. 19.30 —Ахборот. 19.45 — «Ёшлик». 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Илҳом». 21.30 —Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.25 — Совет милициясига бағишланган концерт. 23.55 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 1-лига. «Бўстон» (Жиззах) — «Металлург» (Запорожье). 2-тайм.

ЎзТВ-II

18.10 — Телефильм. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун химия. 19.50 — Янгиликлар. 20.10 — Бадиий фильм. 21.30 — МТ IV.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

СССР ташкил топган кунининг 60 йиллигига бағишлаб тез кунда

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ҚУРИҚ» асари асосида ЯНГИ СПЕКТАКЛНИ саҳналаштиради.

Г. АНИСИМОВ инсценировкаси.

М. БОБОЕВ таржимаси.

СПЕКТАКЛЬ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЛИМИ

Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида, шунингдек Саратов, Ульяновск, Волгодонск, Оренбург шаҳарларида, В. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаш учун

ёлғиз эркак ва хотин-қиз— ишчиларни уюшган ҳолда ишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Маълумотлар олиш учун шаҳарлар ва районлардаги — меҳнат бўйича ишга жойлаштириш идора вакилларига, Тошкент шаҳрида Привокзальная кўчаси, 30-уй, меҳнат бўлимига учрашилсин.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва область ижроия комитети Паркент район ижроия комитетининг раиси А. И. Икматовга рафиқаси

Назира ИКМАТОВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Паркент район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитети район ижроия комитетининг раиси А. И. Икматовга умр йўлдоши

Назира ИКМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Бизнинг ахборот

КИНОЧИЛАР ТУҲФАСИ

Киров номли ўқув-тажриба ва ҳўжалиги ишчилар комитетининг 408-киноустахонаси коллективи КПССнинг XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги мусобақаларнинг муваффақиятга эришишлар. Социалистик мусобақа шиорини баланд кўтарган киночилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигини катта тўёна, яъни йиллик пленни муддатидан илгари бажариш билан кутиб олдилар.

Қишлоқ аҳолисининг кино санъатига муҳаббатини ошира бориб, ўтган ўн ой давомида 28373 кишига, жумладан 7088 нафар болаларга маданий хизмат кўрсатилди. Киносеансларидан тушган маблағ пландагидан анча ортиқ суммани ташкил этди.

Киноустахона коллективи аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охирига қадар қўшимча равишда яна 5000 томошабинга хизмат кўрсатишга қарор қилдилар.

Н. ЎТЕГЕНОВ,

Ғалаба райони.

ТЕЖАМКОР ҲАЙДОВЧИ

Келес автобус-таксомотор парки ҳайдовчилари ўртасида ёнилғи-мойлаш ҳамда эҳтиёт қисмлардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳаракати кенг оммалашган. Социалистик мусобақага якун ясалаётганда айнан шу кўрсаткичга алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳайдовчилар бу борадаги ютуқларини ҳам яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, «Тежамкор ҳайдовчи» деган номга сазовор бўлган Жуманов, Москалёв, Абдуллаев сингари илғорлар мусобақада олдинги сафларда боришяпти.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Келес тажриба-ремонт механика заводи коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, ажойиб ғалабаларни қўлга киритдилар. Айниқса, вагон уйчалар ҳамда кабель саноатида қўлланиладиган симларни тайёрлашда юксак кўрсаткичларга эришилди. Ўн ойлик план шараф билан бажарилди. Дониёр Рихсибоев, Ҳусниддин Жўраев, Дилмурод Қосимов сингари ғайратли ёшларнинг ташаббуси билан байрамга бағишлаб, зиммага олинган мажбурият улуғ айём арафасида шараф билан ado этилди: планлан ташқари 3 минг сўмлик ремонт ишлари бажарилди.

Т. ИСЛОМБОЕВА.

Келес шаҳри.

БУГУН — ЖАҲОН ЁШЛАРИ КУНИ

ДИЛ-ДИЛГА ПАЙВАНД

Высокие Татри тоғ ва ўрмонзорлар бағридаги шаҳар. Табиати гўзал, суви тиниқ, ҳар қадамда игна барғли дарахтларнинг муаттар ҳиди димоққа уради. Республиканинг жуда кўп ороғмоҳлари мана шу ерга жойлашган. «Юниор» деб номланган дам олиш лагерида айни бир вақтда совет туристлари билан бирга Венгрия, ГДРдан келган ёшлар ҳам ҳордиқ чиқардилар. Серфайз оқшомларнинг бирида дам олаётганлар иштирокида халқаро дўстлик учрашуви ўтказилди. Чехословакиянинг Ковилиш ёшлар бу тадбирнинг ташаббускори бўлдилар. Қувноқ музика садолари янграб турибди. Ёшлар нафосат билан турли рақсларни ижро этишмоқда. Навбат Совет Иттифоқидан келган туристларга берилди. Улар зум ўтмай музика асбобларини созладилар. Микрофонга Янгийўл районидаги «Лаззат» қандолат-хамиртуриш ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси Шамиль Алишев яқинлашади:

— Қадрли дўстлар, — дейди у, — Сизлар учун Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати — «Лаззат» вокал-чолғу ансамбли қўшиқлар ижро этади.

Бу сўзлар дарҳол немис, венгер ва чех тилларига таржима қилинади. «Лаззат» ансамбли қатнашчилари Борис Добрушкин, Мирза Раимжонов, Умарали Соиповдар аввал рус, сўнгра ўзбек халқ қўшиқларини зўр маҳорат билан ижро этдилар. Улар ижросидаги «Мажнунтол», «Гулойим» каби эстрада қўшиқлари, айниқса, жозибадорлик касб этди. Янгийўлликларнинг ҳар бир чиқишлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Область комсомол комитетининг «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси тошкентлик ижодкор ёшларнинг Чехословакия Социалистик Республикаси бўйлаб ташкил қилган сафарлари давомида бу хилдаги ҳаяжонли дамлар кўп марта такрорланиб турди. Группамиз аъзолари Кошице, Острава каби йирик саноат шаҳарларининг, республика пойтахти — Праганинг диққатга сазовор жойларида бўлдилар. Чех ва словак халқларининг ўтмишидан ҳикоя қилувчи тарихий музейларни мароқ билан томоша қилдик. Қардошларимизнинг бугунги ҳаёти, санъати ва маданияти билан танишдик.

Прагаликлар XIV асрда яшаб ўтган қирол — Карл IV ни маърифатпарварликда Пётр I га қиёс қилишади. Бундан қариб VI аср муқаддам бунёд этилган архитектура ансамблари бугунги кунда ҳам пойтахт кўркига-кўрк, чиройига-чирой қўшиб турибди. Улардан бири Карлов кўпригидир. Шаҳар ўртасидан кесиб ўтадиган дарё кўпригининг олтин қуббалари ҳамиша қуёшнинг заррин нурларида жилваланиб туради. Кўприк экспонатлари яхлит бир ансамблни ташкил этади. Унда санъатшунослик композицияларининг ўзи бир китоб. Едгорликларнинг ҳар бири маҳаллий халқ қисматидан, орзу ва умидларидан ҳикоя қилади.

Мамлакатда туристлар эътиборига ҳавола қилинадиган музей ва экспонатларни шартли равишда яна бир алоҳида мавзуга бўлиш мумкин. Бу Улуғ Ватан уруши йилларида енгилмас Совет Армиясининг ҳаласкорлик миссияси билан боғлиқ бўлган зиёратгоҳлардир. Чехословакия 1939 йилда немис ғазандалари томонидан босиб олинган эди. Уруш давомида шаҳар ва қишлоқлар ёндирилди. Кексалар, ҳатто болалар ҳам ёвузларча қатл қилинди.

Совет ва чех халқларининг дўстлиги рамзи сифатида 1960 йилда очилган «Острава операцияси» музейи. Кладно шаҳри яқинидаги Лидице қишлоғида барпо этилган «Дўстлик ва тинчлик» музейи. Прага Жижковсидаги миллий пантеон экспонатларини ҳаласкор совет жангчилари шаънига битилган туғанмас қўшиқ деб баҳоласа бўлади. Уларнинг ҳар бирини алоҳида ифтихор туйғуси билан томоша қилдик. Музейларнинг эсдалик дафтарларига рус ва ўзбек тилларида самимий дастхатлар қолдирилди.

Энг ҳалжонли дамлар ҳали олдинда эди.

Прага яқинидаги фахрий Қизил Армия қабристонидамиз. Бу ерга қадам қўйишимиз ҳамоноқ қалбларни сокинлик ва сукунат ўзига ром қилиб олди. Ҳалоскор совет солдатининг исми-фамилияси ўйиб ёзилган қабр тошлари сафланиб турибди. Совуқ тошлар жим. Уларнинг устига ҳозиргина келтириб қўйилган турфа гуллар беис ва бесас. Шаҳидлар хотирасини абадийлаштириб, мангу ёниб турган гулхан ҳам бесадо. Қалбларни аллақандай ҳиссиёт чулғаб олган. Бу Улуғ Ватан урушининг сўнгги кунида 1945 йилнинг 9 май куни Прага шаҳрини фашист газандаларидан озод қилаётиб, шаҳид кетган юртдошларнинг ниҳосимиқан?! Ёки қардошларимизнинг бугунги гўзал ва фаровон турмуши йўлида жонини қурбон қилган ҳаласкор совет жангчисининг совуқ тошлар остидан чиқаётган овозимикин?!

Ҳаяжон билан қабр тоши устидаги фамилияларни ўқиймиз. Ҳар бир сатр замирида улкан қаҳрамонлик, интернационал бурчга буюк садоқат мужассамлашганлигини англаймиз. Айрим шаҳидларнинг исми-шарифларини ёд дафтаримизга қайд қилиб қўйдик: Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мажид Жунусов, катта сержант Р. А. Фатхуддинова, сержант Л. Л. Ашрапов, қизил аскарлар Л. Л. Ибрагимов, С. Аҳмедов, М. Алиев...



Сафаримиз тугаб, она-юртимизга қайтмоқдамиз. Давлат чегарасидан ўтганимизда кўзимиз йирик тўрт ҳарфда битилган муқаддас сўзга тушади: СССР. Ватан! Қалбларимизда унинг улуғворлиги, мўътабарлиги, қудрати, обрў-эътибори, меҳригиёси янада чуқурроқ намоён бўлди. Сафардан мамнун қайтаётганларнинг таассуротлари билан ўртоқлашамиз:

Ҳафиза Вафоева — журналист:

— Юрган — дарё. Чехословакия халқи, унинг ҳаёти, маданияти ва адабиёти ҳақидаги тасаввурим янада бойиди.

Талат Эрмуҳамедов — лойиҳачи:

— Сўзсиз, сафаримиз катта аҳамият касб этди. Менга айниқса, мамлакатда маданий ёдгорликларга бўлган муносабат ва уларнинг сақланиши жуда ҳам ёқди.

Виталий Опухтин — рассом:

— Таассуротларим сафар давомида қорайтирилган эскизларим асосидаги суратларда акс этса ажаб эмас.

Нозим Тўлаҳўжаев — киноактёр:

—Қувончларим бир олам. Ижодкор ёшлардан дўстлар орттирганимдан хурсандман.

Бундай илиқ гапларни ҳамроҳларнинг ҳар биридан эшитса бўларди.

Р. ШЕРАЛИЕВ,

Прага—Москва — Тошкент.

Суратда: Чехословакия социалистик республикаси пойтахти Прага шаҳрининг кўриниши.

Т. Қаҳҳоров фотолари.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

СЕРФАЙЗ ХОНАДОН

Оила бошлиғини одатда боғбонга қиёслашади. Дарҳақиқат, анвойи гуллар парвариш қилувчи миришкор билан мунофиқ фарзандлар тарбиялаган ота-оналар меҳнатида қандайдир мутаносиблик бор. Қибрай посёлкасидаги Киров кўчасида истиқомат қилувчи Толибжон ота Ортиқов ҳам ана шундай кишилардан.

Отахон бу йил 76, турмуш ўртоғи Тожихон опа эса 72 баҳорни қаршилашди. Улар етти нафар фарзандни воғга етказишди. Қизлари Раҳима, Жамила, Ҳамида ва Карима оилали, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишади.

Оила тўнғичи Соҳибназар республика геология министрлигига қарашли нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув радведкасида бўлим бошлиғи. Ўртанчаси Иногомжон эса Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ўсимликлар химияси институтида илмий ходим. Кенжа ўғиллари Маҳамаджон ва унинг турмуш ўртоғи Гулчеҳра кибернетика институтида кичик илмий ходим лавозимида ишлашади.

Пиру—бадавлат қариялар ҳозиргача 40 нафарга яқин невара-чевара кўришди. Уларнинг ҳаммаси ҳаётдан ўз ўринларини топишмоқда. Оила бошлиқлари бу билан ҳақли равишда фахрланишади, ўз тарбияларининг меваларидан баҳрамандлар.

Қ. МУЛЛАБОЕВ.

ПАСПОРТ АЛМАШТИРИШ ЯКУНЛАНМОҚДА

ЯНГИЛАДИНГИЗМИ?

СССР Министрлар Советининг қарорига биноан мамлакатимизда паспорт реформаси ўтказиш кўзда тутилган эди. 1976 йилдан бошлаб ҳамма жойларда мамлакатимиз гражданларини янги паспорт билан таъминлаш бошланди.

Чилонзор Тошкентдаги аҳоли зич жойлашган районлардан бири. Бу ерда кўп қаватли уйлар ва кооператив турар-жойлардан ташқари маҳаллалар, қатор мактаблар, турли маданий-маиший ва бошқа муассасалар жойлашган. Шу туфайли районимиз паспорт бўлинмаси ходимлари муҳим сиёсий тадбирни амалга оширишда анчагина меҳнат қилдилар. Прогрессив усуллар қўлланиб, аҳолининг ишини енгиллаштириш чоралари кўрилди.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари, меҳнат ветеранлари, кекса кишиларнинг уйларига сураткаш юборилиб, расмлар олинди. Янги паспортлар уларга бевосита хонадонларида топширилди. О. Орлова, Е. Исева, М. Муҳаммаджонов, С. Азимова, М. Абдураҳмонова каби ветеранларга шундай хизмат кўрсатдик.

Бундан ташқари, 16 ёшга тўлган мактаб ўқувчиларига паспорт топшириш тантаналарини ҳам қўллаб ташкил этдик. Пигит-қизларга гражданлик ҳужжати мактаб ўқувчиларининг умумий йиғилишларида, байрам тантаналарида тақдим этилди.

Ҳозиргача районимизнинг 182 минг нафарга яқин гражданлари янги паспортлар билан таъминландилар. Бунда бўлинмамизнинг Турғунбой Турсунов, Анна Петровна Игнатенко сингари ходимлари айниқса ташаббускорлик кўрсатдилар.

Ҳозир паспортлаштиришни белгиланган муддатларда тугатиш бўйича Бутуниттифоқ кўриги давом этмоқда. Тошкент шаҳри 1981 йил ноябрида паспорт алмаштиришни якунлаш ташаббуси билан чиққан эди. Ҳамма-ҳаларимиз ўз вақтида ҳужжатларни расмийлаштириб, янги паспортларни қўлларига олмоқдалар. Бироқ, гражданлик ҳужжатини алмаштиришни пайсалга солиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Биз районимизга меҳнаткашлари, шунингдек барча ҳамшаҳаларимизга мурожаат қилиб уларни муҳим сиёсий кампанияни кўнгилдагидек якунлашда кўмаклашишга чақирамиз.

К. МУҲАМЕДОВ,

Чилонзор район ички ишлар бўлими паспорт бўлимасининг бошлиғи, ички ишлар майори.

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги— 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325365; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир— 325894.

Р. 02329 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1756.